



Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

Бандаларининг хидояти учун Ўз каломини Расули оркали нозил қилган Аллохга ҳамдлар бўлсин!

Аллохнинг Каломига амал қилишни ўз суннати ила ҳаётда яшаб кўрсатиб берган Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам)га дуруди салаватлар бўлсин!

Аллох таоло Каломида улардан Ўзи рози бўлганини эълон қилган саҳобаларга ризвон бўлсин!

Куръонга хизмат қилган иймон эгалари бўлмиш аҳли илмларга Аллохнинг раҳмати, нажоти ва даражоти бўлсин!

Ва баъд:

Инсоният тарихида мусулмон уламолар каби ўзлари иймон келтирган Китобга дакик эҳтимом қаратган миллат бўлмаган. Куръони Карим кўрсатмаларига мусулмон уммати амал қилар экан, шу билан бирга, унинг ўқилиши ва ёд ҳолда қалбларда сақлаб юрилиши, муборак оғизларда кейинги авлод учун ривоят қилиб қолдирилиши ҳамда Куръоннинг ҳар тарафи ўта дакик илмий асосларда ўрганилиши бошқа миллатларда топилмаган неъматлардан биридир. Куръони Каримга эътибор, айникса, Рамазони шариф ойида

янада кучаяди. Чунки Набий Мухаммад (алайхиссалом) Рамазон ойида Куръонга кўпрок боғланар ва бу суннат кейинги уммат учун ҳам амалий суратда ўз таъсирини кўрсатган эди. Умматнинг илк юлдузлари бўлмиш саҳобалар орасида Куръони Каримни неча кунда хатм қилиш лозимлигини сўраганлар бўлишган. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг уни ўттиз кунда, йигирма кунда, ўн беш кунда, ўн кунда, етти кунда, уч кунда хатм қилишга тавсиялари бўлган. Қорилар орасида эса энг кўп амал қилинадиган хатм етти кунлик ҳисобланади.

Буни «Ф(а)м(и)й - б(и)ш(а)вк» { ﷻ ﷻﷻ } дея номлаб ҳам олишган. Маъноси, «Оғзим (Раббим каломи) шавқи билан»!

Араб тилида эса бу икки жумланинг ҳарфлари еттита бўлиб, улар Куръони Каримдаги айрим сураларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган ва шу сураларни етти кунда бўлиб ўқиш орқали Куръони Каримни хатм қилиш вазифаси амалга оширилган. Қорилар ўзлари учун шавк-завк эканини ифодалаш мақсадида ушбу вазифани, Оғзим (Раббим каломи) шавқи билан, дея номлаб олишган:

Ф – Фотиха сурасидан Нисо сурасигача;

М – Моида сурасидан Тавба сурасигача;

Й – Юнус сурасидан Наҳл сурасигача;

Б – Бани Исроил, яъни Исро сурасидан Фурқон сурасигача;

Ш – Шуро сурасидан Ясин сурасигача;

В – Вассооффаат сурасидан Хужурот сурасигача;

К – Коооф сурасидан Наас сурасигача.

Бундан ташқари, Куръони Каримнинг мавзуларидан хабардор бўлиш, зикр қилинган тарихий ҳодисалардан ибрат олиш, ҳукмий оятларга амал қилиш, муташобех оятларга иймон келтириш, ширқдан узок бўлиш, Пайгамбарга итоат қилиш каби муҳим нуқталарга ҳам жуда катта эътибор қаратилган. Булар борасида батафсил илмий асарлар битилган. Мен эса бу ишнинг ўта нозик қирраларига ҳам эътибор қаратилганини кўрсатиш учун айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Бу маълумотлар Куръони Карим борасидаги қилинган ишларнинг мингдан бири десам, мулболага бўлмайди. Лекин шу маълумотларнинг ўзи ҳам мусулмон уммати уламоларининг нақадар ҳимматга эга бўлишганини ифода қилишга етарли бўла олади. Рамазон ойи фазилатлари туркумидан бу маълумотларни ўрганиб, яқинларимизга ўргатсак, биз ҳам шу савоблардан баҳраманд бўламиз.

Куръони Карим!

1. Суралар 114 та;

2. Маданий суралар йигирмата:

- 1. Бақара, 2.Оли Имрон, 3.Нисо, 4.Моида, 5.Анфол, 6.Тавба, 7.Нур, 8.Ахзоб, 9.Мухаммад, 10.Фатх, 11.Хужурот, 12.Ҳадид, 13.Муҷодала, 14.Ҳашр. 15.Мумтахана,

16. Жумаъ, 17. Мунафиқун, 18. Талок, 19. Тахрим, 20. Наср.
3. Ихтилофли суралар ўн иккита:
- 1. Фотиха, 2. Раъд, 3. Роҳман, 4. Соф, 5. Тағобун, 6. Татфийф, 7. Кадр, 8. Баййина, 9. Залзала, 10. Ихлос, 11. Фалак, 12. Нос.
4. Колган 82 сура Маккий суралар;
5. «Басмала» сиз сура Тавба сураси;
6. Икки «Басмала» си бор сура Намл сураси;
7. Энг узун сура Бакара сураси, 286 оят;
8. Энг киска сура Кавсар сураси, 3 оят;
9. «Аллох» лафзи жалоласи Куръони каримда 2707 марта келган. Булардан 980 таси рафъ холатида, 592 таси насб холатида, 1135 таси эса жар холатида зикр килинган;
10. Пораси 30 пора;
11. Хизби 60 хизб;
12. Харфлари 321180 дона;
13. Калималари 77934;
14. Оятлар сони 6236;
15. Харфлар эътиборидан Куръони Каримни тенг иккига бўлиб турувчи харф Кахф сурасидаги «ВАЛЯТАЛАТТОФ» калимасининг «та» харфидир;
16. Факат харфларнинг ўзи билан бошланган суралар сони 29 та ва ўша харфлар сони эса 14 та;
17. Куръоннинг илк тушган оятлари Алак сурасининг дастлабки оятлари, сўнггиси Моида сурасининг 3-оятидир.
18. Куръондаги энг узун оят тўлик бир бетга жо бўлган Бакара сурасининг 282-оятидир (Мудаяна ояти).
19. Куръонда кўтарилган масалалар тўрт хилдир: 1. Тавхид. 2. Нубувват (пайгамбарлик). 3. Хашр (кайта тирилиш) ва адолат. 4. Ибодат.
20. Куръонда исми аник зикр этилган аёл Марям онамиздир.
21. Саҳобалардан ёлғиз Зайд ибн Хориса (розияллоху анху)нинг исми зикр килинган;
22. Куръони Каримнинг ўн тўрт жойида сажда ояти бўлиб, уни ўқиган ва эшитган кишилардан сажда килишлари талаб килинади. Уларни сизга тартиб билан баён этамиз:
- Аъроф сурасининг 206-ояти.
  - Раъд сурасининг 15-ояти.
  - Нахл сурасининг 49-ояти.
  - Исро сурасининг 109-ояти.
  - Марям сурасининг 58-ояти.
  - Хаж сурасининг 18-ояти.
  - Фуркон сурасининг 60-ояти.
  - Намл сурасининг 24-ояти.
  - Сажда сурасининг 15-ояти.
  - Сод сурасининг 24-ояти.
  - Фуссилат сурасининг 37-ояти.
  - Нажм сурасининг 62-ояти.
  - Иншикок сурасининг 21-ояти.
  - Икроъ сурасининг 19-ояти.

Ушбу сажда оятларининг хар бирига Мусхафи шарифда ўқиган кишини огохлантириш

учун белги кўйилган. Сажда килиш ушбу оятлардан бирини бутун ўқиганда вожиб бўлади. Сурадаги сажда оятини ўқимасдан ташлаб кетиш макрухдир. Чунки бу саждани ёктирмасликка ўхшаб қолади. Тахорати йўклиги сабабли сажда килишга тайёр бўлмаган кишиларга шафкат килиб, улар олдида сажда оятини махфий ўқишни уламолар яхши амал, деб санашган.

### Куръон Каримдаги харфларнинг сони:

1. Фатх сурасининг 29- ояти араб харфларининг хаммасини ўз ичига олган;
2. «Алиф» харфи 48872 та;
3. «Ба» харфи 11428 та;
4. «Та» харфи 10199 та;
5. «Са» харфи 20276 та;
6. «Жим» харфи 3293 та;
7. «Ха» харфи 3993 та;
8. «Хо» харфи 2426 та;
9. «Дал» харфи 5672 та;
10. «Зал» 4697 та;
11. «Ро» харфи 11793 та;
12. «Зай» харфи 1590 та;
13. «То» харфи 1470 та;
14. «Зо» харфи 842 та;
15. «Каф» харфи 9500 та;
16. «Лам» харфи 3432 та;
17. «Мим» харфи 26135 та;
18. «Нун» харфи 26560 та;
19. «Сод» харфи 2013 та;
20. «Дзод» харфи 1617 та;
21. «Айн» харфи 9220 та4
22. «Гойн» харфи 2218 та;
23. «Фа» харфи 8499 та;
24. «Коф» харфи 6813 та4
25. «Син» харфи 5891 та;
26. «Шин» харфи 2253 та;
27. «Хха» харфи 10070 та;
28. «Вов» харфи 25536 та;
29. «Лом» алиф» харфи 4720 та;
30. «Йа» харфи 25919 та;

Куръони Карим суралари узун-кискалигига караб тўртга бўлинади:

1. «Ат-Тивол», яъни узунлар; Бакара , Оли Имрон , Нисо , Моида , Анфол , Тавба ,

Юнус суралари узун суралар жумласидандир.

2. «Ал-Миун», яъни юзликлар; Буларга юздан кўп оятли ёки шунга якин суралар киради;

3. «Ал-Масоний», яъни кайта-кайта ўқиладиган суралар. Буларга юз оятга етмаган суралар киради. Намозларда асосан шу суралар кўп ўқилгани сабабидан улар такрорланадиган суралар, дейилади;

4. «Ал-Муфассал»; Муфассал суралалар Хужуротдан Нас сурасигачадир. Бу оралик ҳам учга бўлинади:

- Узун муфассал; буларга Хужуротдан Буружгача бўлган суралар киради;
- Ўрта муфассал; буларга Буруждан Баййинагача бўлган суралар киради;
- Киска муфассалга Баййинадан Насгача бўлган суралар киради.

Юкоридаги айрим ракамларда Басрий уламолар билан Кўфий уламолар орасида айрим ихтилофлар бор. Илмий услубларига кўра хар икки тарафнинг бу борада ўз далиллари мавжуд.

Рамазон Куръон оидир. Буни яхши англаган холда кўпроқ эътиборимизни Аллохнинг Каломига каратайлик.

Калблар эриб, кўзларга ёш калкканида биз гарибларни ҳам дуоларингизга шерик килинг! Аллох барчамизни Фирдавсида Каломига хизмат килган зотлар билан биргаликда мехмон айласин!

Омин!

Аброр Мухтор Алий.

1437. Рамазон 9.